

АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИ ЎСИШИНING ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ДАРОМАДЛАР ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИГА ТАЪСИРИ

Тешабаева Одина Насридиновна

Ўқитувчи, иқтисодиёт ва сервис кафедраси

Дадажоновна Чаманой Валижон қизи

Магистр иқтисодиёт мутахассислиги, Иқтисодиёт факультети, Фаргона давлат университети

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Тадбиркорлик, даромад, аҳоли, саводхонлик, улуш.

Аннотация

Молиявий саводхонликнинг аҳоли даромадларига таъсирини баҳолаш учун мазкур ҳолат билан узвий боғлиқ бўлган аҳоли даромадларининг муайян давр мобайнидаги ўзгаришини кузатиш мақсадга мувофиқ, бунинг учун аввало молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улушини аниқлаш муҳимдир.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5614-сон Фармони билан белгиланган вазифаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтиришни, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини оширишни, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини (кейинги ўринларда – Миллий стратегия) ишлаб чиқишга Жаҳон банкининг техник кўмаги жалб этилди.[1]


Аҳоли молиявий саводхонлигининг ўсиши унинг ўз молиявий маблағларини режалаштириш, даромад ва харажатларини тартибга солиш, турли молиявий инструментлардан фойдалана олиш борасидаги билим, малака ва кўникмаларининг кенгайиб ва такомиллашиб боришини англатар экан, бу ўз навбатида мамлакатдаги тадбиркорлик фаолияти ва аҳоли даромадлар даражасини оширишга ўз таъсирини кўрсатади (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда аҳолининг номинал умумий даромадлари 2014 йилдаги 117,9 трлн. сўмдан 2020 йилда 401,5 трлн. сўмга қадар, яъни 3,4 марта ўсган. Аҳоли умумий даромадларининг номинал ўсиш суръати бир текисда бормай, бу кўплаб омиллар, жумладан, даромадлар учун қулай шарт-шароитлар, нархлар умумий даражасининг ўзгариши каби омилларнинг таъсирида рўй берган.

1-жадвал. Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари динамикаси [2]

Кўрсаткич	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳолининг номинал умумий даромадлари, трлн. сўм	117,9	132,0	151,7	183,0	286,3	344,7	401,5
Аҳоли умумий даромадларининг номинал ўсиш суръати, фоиз	116,0	112,0	114,9	120,6	156,4	120,4	115,9
Аҳолининг реал умумий даромадлари, трлн. сўм	110,8	125,1	143,7	167,1	243,6	301,0	355,5
Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати, фоиз	109,0	106,1	108,8	110,2	110,3	106,5	102,6
Аҳоли жон бошига номинал умумий даромадлар, млн. сўм	3,8	4,2	4,8	5,6	8,7	10,3	11,7
Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати, фоиз	114,0	110,1	112,9	118,6	155,3	118,4	113,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, млн. сўм	3,6	4,0	4,5	5,2	7,4	9,0	10,4
Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати, фоиз	107,1	104,3	106,9	108,4	108,4	104,5	100,7

Айниқса, бу кўрсаткичнинг 2020 йилда нисбатан паст бўлиши маълум даражада жаҳондаги короновирус пандемияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий пасайишларнинг таъсири натижаси ҳисобланади. Бу ҳолат аҳолининг реал умумий даромадлари динамикасида яққол намоён бўлади. Таҳлил даврида ушбу кўрсаткич 3,2 марта ўсган. Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 2019 йилга қадар ўртача 6 – 10 фоиз атрофида бўлса, 2020 йилга келиб 2,6 фоизга қадар пасайган.



1-расм. Аҳоли умумий даромадлари таркиби [2]

Умумий даромадларнинг аҳоли жон бошига нисбатан таҳлили яна бир муҳим омил – аҳолининг табиий ўсиши доирасидаги ўзгаришларни ифодалайди. Таҳлил даврида аҳоли жон бошига умумий даромадлар 3,1 марта ўсган бўлса, реал умумий даромадлар 2,9 марта ўсган. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати 2019 йилга қадар ўртача 4 – 8 фоиз атрофида бўлса, 2020 йилда 0,7 фоиз даражасига қадар пасайган. Бу эса, юқорида таъкидланган глобал пандемиянинг аҳоли даромадлари даражасига салбий таъсири аҳамиятли бўлганидан далолат беради.

Умумий ҳолда, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси юқорида санаб ўтилган барча турдаги даромадларга муайян даражада таъсир қилсада, шу билан бирга, улар орасидан аҳамиятлироқ таъсирга эга бўлганларини ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин. Бунинг учун, мазкур боғлиқликни янада яққолроқ намоён этиш мақсадида аҳоли умумий даромадлари таркибининг чизма кўринишида тасвирлаб оламиз (1-расм).

2-жадвал. Аҳолининг асосий турдаги даромадларининг молиявий саводхонлик билан боғлиқлик даражаси [2]

Даромад турлари	Қисқача мазмуни	Молиявий саводхонликка боғлиқлик даражаси
Ёлланма ишчиларнинг даромади	меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.	Паст
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад	мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар.	Юқори
Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати.	Паст
Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкӣ даромадлар)	мулкӣ эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар.	Юқори
Трансфертлардан олинган даромадлар	уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлар.	Ўрта

Расмдан кўринадики, аҳолининг асосий турдаги даромадлари тегишли рақамлар билан ажратиб кўрсатилган. Уларнинг молиявий саводхонлик билан боғлиқлик даражасини аниқлаш учун куйидаги жадвалдан фойдаланамиз (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, даромад турлари ичида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад ҳамда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли молиявий саводхонлиги даражасига нисбатан юқори боғлиқ ҳисобланади. Чунки, меҳнат жараёнини мустақил равишда ташкиллаштириш ҳамда мулкни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан даромад олиш нисбатан кўпроқ молиявий саводхонликни тақозо этади. Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати [2]

Кўрсаткич	Йиллар бўйича жамига нисбатан, фоизда			Олдинги йилга нисбатан, фоизда	
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Умумий даромадлар - жами (I+II)	100,0	100,0	100,0	121,9	115,9
I. Бирламчи даромадлар	76,1	74,9	74,5	119,7	115,3
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	73,0	72,0	71,5	118,9	115,0
I.1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	71,0	69,8	69,3	118,7	115,1
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	26,4	28,7	28,8	125,1	116,3
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	44,6	41,1	40,5	114,9	114,2
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	2,0	2,2	2,2	124,6	112,1
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	3,1	2,9	3,0	137,6	123,6
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	23,9	25,1	25,5	129,1	117,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида умумий даромадлар таркибидаги бирламчи даромадларнинг улуши пасайиб, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши ўсиб бормоқда. Шунингдек, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ҳамда мол-мулкдан олинган даромадларнинг улушида маълум даражада беқарорлик кузатилмоқда.

Фикримизча, молиявий саводхонликнинг аҳоли даромадларига таъсирини баҳолаш учун мазкур ҳолат билан узвий боғлиқ бўлган аҳоли даромадларининг муайян давр мобайнидаги ўзгаришини кузатиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун аввало молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улушини аниқлаш муҳим бўлиб, уни қуйидаги формула орқали амалга ошириш мумкин:

$$DU_{MC} = \frac{D_{MB} + D_M + D_T}{UD} \times 100\% = \frac{\sum_{i=1}^n D_i}{UD} \times 100\%,$$

бу ерда: DU_{MC} – молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда;

D_{MB} – мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар суммаси;

D_M – мол-мулкдан олинган даромадлар суммаси;

D_T – трансфертлардан олинган даромадлар суммаси;

UD – умумий даромадлар суммаси;

i – молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромад турлари.

Шундан сўнг, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромадлар аҳоли умумий даромадларидаги улушининг муайян давр мобайнидаги ўзгариши қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ДУ\ddot{У}_{МС} = ДУ_{МСж} - ДУ_{МСб}$$

бу ерда: $ДУ\ddot{У}_{МС}$ - молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромадлар аҳоли умумий даромадларидаги улушининг муайян давр мобайнидаги ўзгариши, фоиз пунктида;

$ДУ_{МСж}$ – жорий давр учун молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда;

$ДУ_{МСб}$ – базис давр учун молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадлари манбаларидан бири бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ҳисобланади. Чунки, ўз шахсий меҳнатига асосланган ва мустақил равишда ташкил этилган мазкур фаолият турига кейинги йилларда эътибор кучайиб бормоқда.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнь куни “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [4] ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари кенгайиб, улар сони 67 тага етди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қароридан ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолият (хизматлар, ишлар) турлари 24 та этиб белгиланган эди.

5-жадвал. Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, фоизда [2]

Худудлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жиззах	0,61	0,62	0,59
Бухоро	0,53	0,52	0,49
Сурхондарё	0,54	0,52	0,48
Сирдарё	0,52	0,50	0,48
Андижон	0,53	0,49	0,47
Қашқадарё	0,50	0,49	0,47
Наманган	0,51	0,48	0,46
Самарқанд	0,53	0,50	0,46
Тошкент	0,50	0,49	0,45
Навоий	0,46	0,46	0,43
Хоразм	0,47	0,46	0,42
Фарғона	0,46	0,47	0,42
Қорақалпоғистон Респ.	0,36	0,37	0,35
Тошкент ш.	0,20	0,17	0,15

Ушбу ҳужжатда 2020 йил 1 июлга қадар Давлат солиқ кўмитасига ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан рўйхатга олиш учун махсус мобил илова ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш вазифаси юклатилди”[5].

Молиявий саводхонликнинг аҳоли даромадларига таъсирини таҳлил қилишда аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улушини ҳам баҳолаш муҳим ҳисобланади (5-жадвал).

Жадвалда мамлакатимиз худудлари бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири ифодаланган. Маълумотлардан кўринадики, аксарият худудларда даромадларнинг ўсиши таъсири қиймати изчил равишда пасайиб бормоқда. Фақат Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу кўрсаткич ўзгаришида бироз ноизчиллик кузатилади.

Мазкур кўрсаткичнинг пасайиб бориши аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш орқали мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар салмоғини кўпайтириш заруратини вужудга келтиради.

6-жадвал. Мол-мулкдан олинган даромадлар билан боғлиқ кўрсаткичлар [2]

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий ҳажми, трлн. сўм	10,0	11,9	12,2
Олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	133,5	137,6	123,6
Аҳолининг умумий даромадлари таркибидаги улуши, %	3,5	3,5	3,0
Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби, % да:			
Фоиизлар ва муаллифлик ҳақи	11,6	13,8	20,1
Дивидендлар	25,9	23,3	35,1
Бошқа мулкӣ даромадлар	62,5	62,9	44,8

Юқорида таъкидланганидек, аҳоли молиявий саводхонлиги даражаси бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган даромад турларидан бири мол-мулкдан олинган даромадлар ҳисобланади. Мазкур даромадлар билан боғлиқ кўрсаткичларни қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (6-жадвал).

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири жуда кам. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2020 йилда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг 0,7%га ўсишини таъминлаган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий номинал ҳажми 2018-2020 йилларда олдинги йилга нисбатан (тегишли равишда 133,5, 137,6, 123,6 фоизга) ўсиб бормоқда.

Маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан ташқари барча ҳудудларда изчил равишда пасайиб бормоқда. Бу, бир томондан, кейинги йилларда умумий даромадлар таркибида тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган тавсифдаги даромадларнинг нисбатан кўпайиши орқали изоҳланса, бошқа томондан, коронавирус пандемиясининг салбий таъсири кичик тадбиркорликдан олинган даромадларга нисбатан аҳамиятли бўлганини ифодалайди. Шунга кўра, фикримизча, аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда тадбиркорлик фаолияти даромадларини кўпайтириш ҳамда турли рисклардан химоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Аҳоли молиявий саводхонлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ҳамда уларни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш тизимига муаллифлик ёндашувининг асосий ғояси – ёндашувнинг прагматик тавсифи, яъни омилларни баҳолаш таъсир кўрсатиш объектлари ва жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан яқунланиши ҳисобланади. Расмий статистикада келтирилган асосий турдаги аҳоли даромадларининг молиявий саводхонлик билан боғлиқлик даражаси таҳлили даромад турлари ичида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад ҳамда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли молиявий саводхонлиги даражасига нисбатан юқори боғлиқ ҳисобланиши аниқланди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5614-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т, 2020.
3. Олимова, Н. Х. (2021). Состояние внешнеэкономических связей промышленных предприятий страны и пути повышения их экспортного потенциала (на примере ООО "Los Gigantes Textiles"). *Архивариус*, 7(2 (56)), 46-49.
4. <https://lex.uz/docs/4849607>
5. <https://soliq.uz/press-services/news/show/ozini-oz-i-band-qilish-tartibi-soddalashtiriladi>. Ўзини ўзи банд қилиш тартиби соддалаштирилади.
6. Olimova, N. & others. (2022). Ways to increase the competitiveness of enterprises in the conditions of modernization of the economy. *Scientific progress*, 3(3), 270-275.
7. Nasridinova, T. O. (2022). The role of tourism in the development of the economy and increasing its attractiveness in the republic of Uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management review* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(01), 14-20.
8. Teshabaeva, O. & others. (2022). The role and importance of entrepreneurship and small business in the national economy. *International journal of social science & interdisciplinary research* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 183-191.
9. Nasridinova, T. O., & Nodirbek Ne'matillo o'g, Y. (2022). Improvement of the system of services for taxpayers by the tax authorities in Uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management review* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(01), 21-25.
10. Юлчиев, А., Эрматов, Р., & Мохинур, Ж. (2022). Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш. *Research and education*, 1(2), 104-111.
11. Teshabaeva, O., & Qosimov, M. (2022). Priority tasks and ways to solve them in ensuring employment of the population in Uzbekistan. *International journal of social science & interdisciplinary research* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 148-154.
12. Эрғашев, А. Х., Юлдашев, Д. Т., & others. (2022). Перспективные пути повышения эффективности семейного бизнеса в Узбекистане в период политики сокращения бедности. *Ceteris paribus*, (4), 53-57.
13. Teshabaeva, O., & Yulchiev, A. (2022). Innovative marketing strategy aimed at maximizing the development of the tourist industry in Uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management review* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(05), 1-6.